



Газета 1930 йил 12 майдан  
чика бошлаган

Қонунчиллик ва ҳуқуқ-тарибот учун!

# Постга

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 14 ноябрь, пайшанба • 46 (3470)-сон



## МИЛЛИЙ ТЕАТРДА ОРКЕСТР САДОЛАРИ



Республика ички ишлар идоралари ходимларининг Касб куни Ўзбек Миллий академик драма театрида ўзгача нишонланди. Шу куни бинога киравериша полковник Г. Терзян раҳбарлигидаги оркестр ва карнай-сурнай наволари янгради.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринbosари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов ички ишлар ходимларини Касб куни билан табриклиди ҳамда юртимида тинчлик ва осойишталини сақлаш, фуқаролар хавфсизли-

гини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. Шундан сўнг йигилганларни республика ИИВ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш жамоатчилик марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов, Ўзбек Миллий академик театрининг директори, Ўзбекистон ҳалқ артисти Ёқуб Аҳмедовлар кутлашди.

Тантана иштирокчилари хизмат вазифасини бажараётган пайтда ҳалок бўлган милиция ходимлари хотирасини ёдга олиб, бир дақиқа сукут сақладилар.

**ОБУНА – 2003**

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Постда", "На посту" газеталари ҳамда "Qalqon" ва "Щит" журналларига 2003 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна "Матбуот тарқатувчи" ОТАЖ орқали ҳамда барча алоқа бўлимларида амалга оширилади.

Жиноят қидириув хизмати воқеалари, терговчи хотираплари, суд очерклариға қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газеталаримиз саҳифаларида мамлакатимиз ва дунё спорт янгиликлари, теледастурлар, мунахжимлар башорати билан ҳам мунтазам танишиб борасиз. Кроссворд, сканворд ишқибозлари учун алоҳида саҳифаларимиз бор. "Саломатлик", "Ниҳол" каби руқиляримиз остида бериладиган мақолалар сизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

КЕЙИН АФСУСЛАНМАЙ ДЕСАНГИЗ, ГАЗЕТА ВА  
ЖУРНАЛЛАРИМИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛинг.



ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

"ПОСТДА" – 180 (366) "НА ПОСТУ" – 169 (367)  
"QALQON" – 970 (1083) "ЩИТ" – 971 (1084)

УЧНИНСИ  
TANIQI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

«Постга»  
gazetasining ilovasi  
+ TV OLAM

### Халқаро алоқалар

## ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги АҚШ Давлат котибининг ўринbosари Л. Крейнер, Давлат котибининг ёрдамчиси Д. Деник, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Д. Хербет ҳамда элчихона ходимларидан иборат делегация ташриф буюди.

Мехмонларни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринbosари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов қабул қилди ва сұхбатлашди. У хусусан ички ишлар идоралари ходимларининг жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарларликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларига риоя этиш ва ҳимоя қилиш билан чамбарчас болганинг кеттанингини таъкидлadi.

Ўз навбатида Л. Крейнер икки мамлакат ўртасида инсон ҳуқуқларига риоя этилишига қаратилган ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон, хусусан республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти билан ўрнатилган алоқалар катта аҳамият касб этаётганини айтиб ўтди.

Утрашув давомида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам мухокама қилинди.

Утрашувда республика Ички ишлар вазирининг ўринbosари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров ва вазирликнинг қатор бошқармалари раҳбарлари иштирок этиши.

## ҲАМКОРЛИККА КЕЛИШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги АҚШ Мудофаа вазирининг ўринbosари А. Холлис, ушбу маҳкамা ходимлари Д. Веббер, Д. Жексон ва К. Меррендан иборат делегация қабул қилинди.

Утрашувни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринbosари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов олиб борди. Таъкидлаш жоизки, АҚШ Мудофаа вазирлиги тизимида вазифаси гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишига қарши курашишдан иборат бўлган бўлинма фаолият кўрсатмоқда. Шу боис гап асосан шу соҳадаги алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида борди.

Сұхбат давомида Б. Матлюбов меҳмонларга Ички ишлар вазирлигининг тузилиши ва фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида гапириб берар экан, улар эътиборини гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланишига қарши олиб борилаётган курашга қаратди.

Америкаликлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ўртага ташланган масала юзасидан ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканликларини билдиришди.

Шундан сўнг делегация аъзолари пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "БМТ қўмитасининг қўйноқларга қарши тавсияларини ижро этиш бўйича қонуний ва амалий чоралар" мавзууда ўтказилган давра сұхбатида иштирок этиши.

Ингилиши Евropa хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги маркази раҳбари Ганчо Ганчев очди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринbosари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров пенитециар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва эришилган натижалар ҳақида сўз юритди. Ички ишлар идоралари ходимлари устидан тушаётган шикоятларга эътибор бериси ва уларни кўриб чиқиши бўйича Ички ишлар вазирлигининг фаолияти тўғрисида республика ИИВ Ташкилӣ-инспекторлик бошқармаси бошлиғи, милиция полковники А. Жўраев гапирид. Шунингдек, бошқа ҳуқуқни мухофаза қилиш идоралари, ҳуқуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг ходимлари ҳам сўзга чиқишиди.

Давра сұхбати иштирокчилари кун тартиbidаги масалани атрофлича мухокама қилиб, қўшма баёнот қабул қилдилар.

Ўз мухбириимиз.

## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан ҳалқ ҳўжалиги идоралари ва аҳоли турар жойларда ёнгин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш учун шу йилнинг 15 ноябридан 15 декабригача республика мизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади.

# ДАДИЛ ОДИМЛАБ БОРАВЕРАМИЗ

**Одатда милиция ходимларининг хизматини ойлик, йиллик маълумотларга қараб белгилашга ўрганиб қолганмиз.** Шу орқали қайси жиноят камайган ёки кўпайганига қараб бўлим ёки бўлинманинг ишига баҳо берилади. Ўтган ўн ойда вилоятимизда 2001 йилнинг шу даврига нисбатан қотиллик, босқинчлилк, ўғрилик, номусга тегиш, безорилик жиноятлари сезиларли даражада камайди. Бироқ, қасдан тан жароҳати етказиш, талончilik, автотранспорт воситаларини олиб қочиш нисбатан кўпайди. Бу эса ана шу жиноятларнинг ўсиш сабабларини ўрганиб, оддини олиш имкониятларини излашни талаб этди.

**М**аълумки, тан жароҳати етказиш аввало ўзаро жанжал оқибатида келиб чиқади. Низоларнинг бош сабабчиси эса спиртли ичимлек. Шу боис Наманган шаҳри ва туманлар марказларидаги бозорларда ноқонуний равиша, яъни тегишли рухсатномасиз арок, вино, пиво сотаётганларни аниқлаш мақсадида, солиқ хизмати ходимлари билан биргаликда тёкширув ўтказдик. Вилоят ҳокимлигига жойларда спиртли ичимлеклар сотиши тартибга солиш хақида таклифлар юборилди. Эришилаётган натижалар сайд-ҳаракатларга яраша бўляпти. Масалан, биргина Наманган шаҳрида спиртли ичимлеклар сотиши назоратга олингани учун маст ҳолда жиноят содир этилиши октябрь ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан эллик фоизга камайди.

**Наманган туманининг Фирвон ва Урвадон қишлоқларида йигирма мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Бу худудларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавф-сизлигини таъминлаш учун беш нафар профилактика инспектори хизмат кўрсатади. Милиция капитани Ҳусан Нишонов катта профилактика инспектори сифатида уларга раҳбарлик қиласатди. Тажрибали милиция ходими Ҳ. Нишоновни кўпинча фуқаролар орасида учратасиз. Жамоатчилик билан ҳамжиҳатлика иш олиб борилаётгани боис қишлоқларда жиноят камайиб боряпти.**



Суратда: Ҳ. Нишонов қишлоқ фаоллари билан навбатдаги режалар хусусида сұхбатлашяпти.

## Қилмиш — қидирмиш

## ГУЛЗОРДАГИ «ҚОТИЛ»

**Наманганни ҳақли равишда гуллар шахри дейишади. Шаҳарнинг хиёбон, бор ва кўчаларидаги анвойи гуллардан кўз қамашади. Ундан ташқари ҳар бир хонадонда гулзор бор. Ҳовлига киришингиз билан гуллар ҳидидан баҳри-дилингиз очилади.**

Бироқ, шаҳарда яшовчи Н. Одил хонадонида гуллар орасига наша экиб, текин даромад ортироқчи бўлди. Бироқ, ишлар ходимлари ўтказган навбатдаги тад-

лоят ИИБ жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ходимлари — милиция капитани Р. Носирхонов, милиция катта лейтенантлари А. Отаконов ва А. Сиддиқовлар оғурушнинг кирди-корларини фош этишиди. Гулзор орасидаги нашалар йигиб олиниб, йўқ қилинди.

**А. ХОЛИКОВ,**  
милиция подполковниги.

бирда ҳовлисида барқ уриб ўсиб ётган нашаларни топиб олдилар. Олти фарзанднинг отаси, дастлабки "ҳосил"ни йигиб, 3,6 килосини сотиши учун тайёрлаб кўйган экан. Ви-

лоят ИИБ жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ходимлари — милиция капитани Р. Носирхонов, милиция катта лейтенантлари А. Отаконов ва А. Сиддиқовлар оғурушнинг кирди-корларини фош этишиди. Гулзор орасидаги нашалар йигиб олиниб, йўқ қилинди.

Гулзор аъзолари айнан жиноят содир этилаётган жойларда бўлиб, вазиятдан келиб чиқкан ҳолда тақлифлар билдириши. Таклиф ва мулоҳазалардан кейин режа ишлаб чиқилиб, гурух аъзоларига аниқ вазифалар топширилди.

Дастлабки пайтда кисавурларни кўлга

Ушбу саҳифа материалларини С.ШАМСИДДИНОВ тайёрлади.

## САҲИФАДА —



постларда хушёр туришибди. Хизмат давомида қатор муамма ва кийинчилклар туғиляпти. Қамчик довони худуди тоғли зона бўлгани учун алоқа қилишда рациялардан фойдаланишда кийналяпмиз. Тўлқин кучайтириб берадиган кўшимча антenna ўрнатилиши керак. Айнан шу худудда хизмат қилаётган йўлпатруль хизмати ходимлари учун автомашиналар етишмайди.

Вилоятимизнинг Тожикистон ва Киргизистон Республикалари билан чегара доштадиган таъминланнишга умид қиласади. Ҳозирча ўз имкониятларимизни чамалаб чиқдик. Кўп йиллар хизматда бўлган, бузилиб, сафдан чиқсан эски машина ва мотоциклларни қайта таъмирлаб, яна фойдаланишини кўзлаяпмиз. Мазкур транспорт воситаларининг асосий кисми патруль-пост хизмати ходимлари ва профилактика инспекторларида берилади.

Қамчик довонининг асосий магистраль йўлга айланиши мамлакат иқтисодиётида катта аҳамиятга молик иш бўлди. Бу ўз навбатида биз, милиция ходимларига катта масъулият юклади. Довон худудини назорат қилиш учун ходимларимиз кечаю-кундуз

**О. ДОЛИМОВ,**  
вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари,  
милиция подполковниги.

## Бурч ва масъулият

## ВИЖДОНИГА ЧАП БЕРГАНЛАР

Тунги соат 21.00лар атрофда номаълум автомашина ҳайдовчиси Наманган—Ўичи—Учкўрон ўйленинг 25-ҷақириимида ўйни кесиб ўтётгандан пиёда Ҳасанбай Алибовни уриб юборади ва воқеа жойидан гойиб бўлади. Бироқ орадан кўп ўтмай вилоят ИИБ ЙХХБ ходимлари ишни яхши ташкил қылганлари туфайли қочоқ ҳайдовчи, “Голиб” хусусий фирмаси бошлиғи Аҳмаджонов Учкўрондан ушлаб келинди...

Кейнинг пайтда автоҳолакат содир этган айрим ҳайдовчилар воқеа жойидан қочиб кетиши ҳоллари тез-тез тақорланиб турибди. Бу билан қочоқ ҳайдовчилар виждоналига чап бериб, бегуноҳ ўйловчиларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишларига сабаби бўлмоқдалар.

Пунгон—Наманган автомобиль йўлида ҳомаълум автомашина ҳайдовчиси ик-

кинчи гурух ногирони И. Раҳмоновни уриб юборади. Тезкор қидирув ва суриштирувлардан сўнг кўлга тушган ҳайдовчи поплик К. Абдураҳим бўлиб чиқди.

Ҳаққулообод—Наманган йўлида эса “КамАЗ” русумли автомашина ҳайдовчиси йўл четиди велосипедда кетаётган А. Мўминовни уриб юборади. Вилоят ИИБ ЙХХБ ходимларининг олиб борган суриштирувлари натижасида ушуб воқеа сабабиши X. Жуманазар эканлиги аниқланди.

Наманган шаҳар Марғилон кўчасида яшовчи эндиғина 17 ёшга тўлган Носирхон Солибовни ҳам тақдирлаби. Бу билан қочоқ ҳайдовчилар виждоналига чап бериб, бегуноҳ ўйловчиларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишларига сабаби бўлмоқдалар.

Пунгон—Наманган автомобил йўлида ҳомаълум автомашина ҳайдовчиси ик-

сиа фуқароси С. А. Наманган шаҳрида яшайдиган тоғаси-Б. Мустафога қаравши “ВАЗ-21013” русумли автомашинани ҳайдовчилик гўвоҳномасиз, маст ҳолда бошқарби, бир ёш йигитнинг умрига зомин бўлган эди.

Шунга ўхашаш аянчли мисоллар билан танишаётib бешихиёр ўйланиб қоласан киши: йўл-транспорт ходимлари содир этиб, бир инсон ҳаётига зомин бўлган қочоқ ҳайдовчилар қайси виждон билан жавобгарликдан бош тортмоқчи бўлишид экан? Жазодан кутулиш мумкин, аммо виждон азобидан узоқча кетиб бўлмаслигини наҳотки тушунишмаган бўлишишади.

**Ф. МАМАЖНОВ,**  
милиция капитани.

**Н. ЖУРАЕВ,**  
журналист.

## Ташаббус

## ЧҮНТАККЕСАРЛАРГА ФОВ ҚЎЙИЛДИ

Наманган шаҳри ва вилоятининг бир қатор туманлари марказларидаги бозорлар, аҳоли гавжум жойларда кисавурлик, талончилик ва бошқа жиноятларнинг бир мунча ортгани биз, ишлар ходимларини жилдий ўйга толдириди. Қишлоқлардан шаҳарга савдо-сотик учун келган фуқароларнинг чўнтағидан, сумка, ҳалталаридан пулларини, қимматбаҳо буюмларини ўғирлаш билан шуғулланаётгандарнинг пайини қиркиш мақсадиди вилоят ИИБ раҳбари ишни имкониятлардан келиб чиқиб зарур тадбирни амалга ошириди. Бир қатор хизматларда ишлаб ўтган ёки имкониятлардан келиб чиқиб зарур тадбирни амалга ошириди. Бир қатор хизматларда ишлаб ўтган ёки имкониятлардан келиб чиқиб зарур тадбирни амалга ошириди. Бир қатор хизматларда ишлаб ўтган ёки имкониятлардан келиб чиқиб зарур тадбирни амалга ошириди.

Гурух аъзолари айнан жиноят содир этилаётган жойларда бўлиб, вазиятдан келиб чиқкан ҳолда тақлифлар билдириши. Таклиф ва мулоҳазалардан кейин режа ишлаб чиқилиб, гурух аъзоларига аниқ вазифалар топширилди.

Гулзор аъзолари айнан жиноят содир этилаётган жойларда бўлиб, вазиятдан келиб чиқкан ҳолда тақлифлар билдириши. Таклиф ва мулоҳазалардан кейин режа ишлаб чиқилиб, гурух аъзоларига аниқ вазифалар топширилди.

**Ҳ. НАБИЖНОВ,**  
милиция подполковниги.



## Фидойи ҳамкасларимиз

## ЁШЛАРНИНГ МЕҲРИБОН УСТОЗИ

**Тажрибали ўт ўчирувчи Эргаш ака Рўзиев қисмимиз обрасини кўкка кўтарган азиз инсонлардан бири. Мана 28 йилдирки, у шу касбни эъзозлаб келади. Унинг фидойилиги туфайли Фиждувон туманинаги шаҳар, қишлоқларда кўплаб иншоотлар ва турар жой бинолари талафот кўришидан саклаб қолинди. Бутун умрени шарафли касбга баҳшида этаётган Эргаш ака кўл остидаги ходимлардан ҳамиша сергак ва ишга шай бўлиб туришини талаб этади. Ўзи бу борада ҳаммага ўrnak бўлади.**

... Навбатдаги иш кунларидан бирида қисм алоқа навбатчиси ташвиши сигнал чалди. Эргаш ака ва ходимлар дарҳол жанговар саф тортиши. Тумандаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги худудидаги Чалақозоқ қишлоғида ёнгин содир бўлганди.

Машиналар хўжаликнинг сут-товар фермаси ёнига етиб борганида бир ҳовлининг куч-

ли ёнгин куршовида қолганлиги кўзга ташланди. Хонадоннинг тўрт томони ҳам даҳшатли олов исканжасида, ичкарига кириш ва унинг қандай содир бўлганлигини аниқлаш қийин эди. Бирок, ўт ўчирувчилар бўш келишмади. Эргаш ака ҳар бир ходимга алоҳида топшириқ бераб, ўзини ҳеч иккапланмай ёниб кул бўлаётган ҳовли ичи-

га урди. Унга бир ходим ҳам эргашди. Улар эшик ёнида хушидан кетган кишини олов чангалидан кутқариб, ташқарига олиб чиқиб, тезда касалхонага жўнатишиди. Бу орада ёнгин билан юзма-юз олишган ўт ўчирувчилар оловни таслим қилиши. Уй ичкариси кўздан кечирилганда яна тўрт одамнинг ўтда куйиб, қорайиб қолган жасади топилди. Ёнгин қасдан қилинганини шубҳа йўқ эди. Тезкор ходимлар ҳовли атрофига атайлаб солярка тўкиб ёқиб юборилганини аниқлаши. Кўп ўтмай бу жиноятга қўл урган шахслар ушланди.

Эргаш ака Рўзиевнинг номи тажрибали кишилар қаторида тилга олиниши бизни гурурлантариади. Ёшларга меҳрибон, қалби пок инсон билан бирга хизмат қилаётганимиздан фахрланамиз.

**Б. БОЛТАЕВ,  
ички хизмат капитанни.**

## НАФАҚАГА КУЗАТИШДИ

Милиция майорлари Илҳом Рўзимов, Бозорбай Бекчонов ҳамда милиция старшинаси Нурмат Рўзметовлар ўз касбига меҳр кўйиб, йиллар давомида уни ардоқлаб келаётган инсонлардир. Улар узоқ йиллар Шовот тумани ИИБда самарали меҳнат қилиши.

Яқинда туман ички ишлар бўлими шахсий таркиби эл ҳурматига сазовор бўлган бу осойишталик посбонларини тантанали

равишида нафақага кузатиши. Тадбирда И. Рўзимов, Б. Бекчонов ҳамда Н. Рўзметовларнинг ҳамкаслари ва шогирдлари сўзга чиқиб, илиқ фикрлар билдириши. Туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковники О. Йўлдошев уларнинг ҳалол ва машақатли меҳнатини юқори баҳолаб, самимий миннатдорчилик билдири.

**Х. ЖАББОРОВ.**

## Ибрат

## ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТЯПТИ

Республикамиз ҳудудида қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ўртасида оқсил, куйдирги, кутириш ва бошқа ўта юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, эпизоотик ва эпидемик вазиятни барқарорлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Доимий ва мавсумий карантин масканларида зарур чоралар кўрилганлиги натижасида республикамиз ҳудудига турли хилдаги ўта хавфли касалликларнинг кириб келишига йўл қўйилмади.

Ўтган давр мобайнида бўлинмаларимиз шахсий таркиби ветеринария, ДСЭНМ ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорликда дехқон ҳамда мол бозорларини текшириб, ветеринария талабларини бузган шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, жарима солинди.

Оқсил, кутириш, куйдирги, ўлат ва бошқа касалликларга қарши эмлаш тадбирлари ўтказилди. Республика из худудига айланма, яширин йўллар орқали, ветеринария рухсатномасисиз йирик ва майдага шохли чорва моллари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, жун, сут ва сут маҳсулотлари олиб кирилишининг олди олинди.

Ўзбекистон Республика-

си Вазирлар Маҳкамасининг олдинлар ва ҳайвонлар орасида кутириш касаллигига қарши курашни кучайтиришга қаратилган Қарори талаблariiga муовони мурасида милиция саф бўлинмалари мамлакатимизда эпизоотик ва эпидемик ҳолатларни барқарорлаштириш борасидаги ишларни давом этирмоқдалар.

**Д. ЗИЯМАТОВ,**  
милиция майори.

Сир эмас, кейинги пайтада йўл-транспорт ҳодисаларида кўпроқ пиёдалар айбдор бўлмоқдалар. Айниқса, болалар иштирокидаги ҳодисаларнинг камаймаётгани ташвиши ҳолди. Шунинг учун ҳам республика мактаблари дастурига "Йўл ҳаракати қоидалари" дарси киритилган. Хўш, машгулотлар рисоладаги дек олиб бориляптими?

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Яқинда Тошкент тумани хокимлигига ўтган семинар ана шу фанни ўқитишидаги вазифалар, муаммолар ва уларнинг ечимиға бағишиланди. Тадбир вилоят ҳалқ таълими бошқармаси, вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, вилоят педагогларни қайта тайёр-

лаш ва малакасини ошириш институти ҳамда туман ҳалқ таълими бўлими томонидан ташкил этилди. Туман ҳалқ таълими бўлими мудири Э. Йўлдошев "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссия-

сининг "Ўзбекистон Республикасида болалар билан бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастури"ни бажариш борасида ҳалқ таълими бўлими томонидан олиб бораётган ишлари ҳақида маъруза қилди.

Иштирокчилар туманда "Йўл ҳаракати қоидалари" Фанининг ўқитилиши билан яқиндан танишиш учун бир қатор мактабларда бўлди. Вилоят ИИБ ЙХХБ инспектори, милиция майори О. Умаралиевнинг болалар билан бўғлиқ ҳодисалари ҳақида маъруzasи тингланди. Тадбир сўнгидага вилоят мактабларида ташкил этилган "Ёш автоназоратчилар" гурӯхларининг ўзаро беллашуви бўлиб ўтди.

Амалий семинар иштирокчилари кун тартибидаги масалани атрофлича муҳокама қилиб, вазифаларни белгилаб олдилар.

**А. ИЛЕСБОЕВ,**

милиция старшинаси.

## Хизматларда

## ИШОНЧЛИ ҚЎРИҚЛАШНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Бугунги кунда қўриқлаш хизмати ходимлари зиммасидаги масъулият янада ошгани ҳеч кимга сир эмас.

Буни яхши англаган Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари ҳам профилактик ишларни кучайтирмоқдалар.

— Ищимиздаги муваффақиятларнинг асосий сабаби ходимларга бўлган эътиборда деб биламан, — дейди бўлим бошлиғи, милиция подполковники М. Ҳошимов. — Шахсий таркиби ҳар томонлама-қўллаб-куватлашга ҳаракат қилиб, зарур ҳолатда уларнинг оиласига моддий ва маънавий ёрдам бераямиз. Бу эса ходимларнинг касбига бўлган меҳрини янада орттириши табиий. Спорт машгулотлари ўтказиш ҳам диккат-эътиборда. Шу сабабли ҳам бизга ишониб топширилган объектлар ва хонадонларда йил бошидан бўён бирорта ўғрилик содир этилгани йўқ.

— Ходимлар енгил автомашина, замонавий техника воситалари билан тўлиқ таъминланган, — дейи бошлиқнинг гапини давом эттириди бўлинма сардори, милиция капитани Ҳ. Ҳўжамқулов. — Барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, ўтказган тадбирларимиз давомида ҳалқ хўжалиги иншоатидан талон-торожлик ҳамда майда ташмачиликка йўл қўйган иккى юздан ортиқ фуқаро ушланиб, олти юз минг сўмликка яқин мулк давлатга қайтарилди. Тартиббузарлиги учун уч юз минг нафарга яқин фуқаро маъмурӣ жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари ходимларимиз бошқа хизматларнинг вакиллари билан ҳамкорликда шаҳrimiz, туманимизда ўтказилаётгани тадбирларда фаол иштирок этишадиги. Бўлинма шахсий таркиби йил бошидан бўён ўттизга яқин жиноятни иссиғида очгани фикримизнинг далиллар. Ходимларимиздан, милиция катта сержантлари А. Норхўжаев, А. Пирматов, милиция сержантлари Т. Аҳмедов, Б. Айтбаев, кичик сержант М. Бегимов ва бошқалар ҳизматга сидқидилдан ёндашиб, касб дошларига ўrnak бўлишмоқда.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**



Суратларда: вилоят ИИБ ЙХХБ инспектори милиция сержантни Эркин Акбаров Тошкент туманинаги 9-урта мактабда "Йўл ҳаракати қоидалари" бўйича машгулот ўтганини: ЙПХ инспектори постда.

Муаллиф олган суратлар.

# УЧИНЧИ

«Постма»  
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

# TV ОЛАМ

## ТЕРРОРНИНГ ҚОИЛИ ҚИЁФАСИ

Қатарнинг "Ал-Жазира" телеканали Усома бин Лодиннинг овозига ўхшаш товуш ёзилган судиотасмани эълон қилди. Унда овоз Индонезиянинг Бали оролидаги портлаш, Қувайт ва Яманда АҚШ ҳарбийларига ҳужум, Москвада одамларни гаровга олиш каби қўпорувчилик ҳолатларини уюштирганларни мактайди.

Тасмага овози ёзилган одам АҚШнинг иттифоқчилари, жумладан, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Германия ва Австралияни "огоҳлантириб", агар улар Вашингтонни кўллаб-куватлашни давом эттираса, "интиқом" ўзини узоқ куттирмаслигини айтади.

"Ал-Жазира" вакиллари тасма уларга қаердан келиб қолганини ошкор қилмаяпти. Умуман бу канал кўпинча бин Лодин ва бошқа жангариларнинг "баёнот"ларини эълон қиласди, лекин манбаъни доим сир тутади. Москвадаги воқеалар чогида ҳам бу канал чечен жангариларнинг "мурожаатномаси"ни намойиш этди.

Оқуй вакили Шон Маккормак эса, АҚШ эксперлари тасмадаги овозни дикқат

билан ўрганаётгани ва унинг Усома бин Лодинга тегишли тегишили эмаслигини анилашга уринаётганини маълум қилди.

Айни пайтда террор ўзининг хуржини Яқин Шарқда давом эттироқда. Истроил ҳарбийлари Иордан дарёсининг гарбий қирғоидаги Наблус шахрида йирик операция бошлаб юборди. Танклар ва вертолётлар ҳам жалб қилинган. Бу ҳаракатлар ўтган ҳафта охирида Фазо минтақасида икки нафар оддий фуқаро ва бир ҳарбий ўлдирилгани учун жавобдир. Вертолётлар Фазодаги темирчилик устахонасини ракеталар билан ўқса тутди. Ҳарбийларнинг айтишича, бу устахонадан қурол ишлаб чиқаришда фойдаланилган.

Аввалроқ Истроил ҳарбийлари Фаластин қочоқларининг Тулкарм шахридаги лагерига рейд ўтказди. Бу ҳаракат Метцер киббуцга уюштирилган ҳужумга жавобан амалга оширилди. Ҳужум чоғида беш нафар киши ҳалок бўлган эди.

Фаластинликларнинг сўзларига караганда, эрта тонгда 30га яқин зирхи техника ёрдамида амалга оширилган рейд натижасида икки киши ҳибсга олинган. Улар киббуцга ҳужум уюштириб, қочиб қолганликда гумон қилинмоқда. Эслатиб ўтамиш, Истроил ҳукумати ва-

киллари бу тажовузни Тулкармдаги лагерда яшовчи қочоқлардан бошқаси амалга ошириши мумкин эмас, деб ҳисобламоқда.

Киббуцга ҳужум ташкилотчиси сифатида шубҳа остига олинган Мухаммад Найфахнинг Шувайк қишлоғидағи уйи ҳам ер билан яксон қилинди. ФАТХ ҳаракати рахбарияти аъзоси бўлган бу одамдан кўпроқ ҳарбийлар шубҳаланмоқда. Ўз навбатида, Ёсир Арафот ўзи рахбарлик қиласидан ФАТХнинг бу қўпорувчиликка сира алоқаси йўқлигини айтди. Қўпурувчилик учун жавобгарлик

ни эса "Ал-Ақсо шахидлари бригадаси" ўз зиммасига олди.

Франциянинг Кале шахридаги аҳвол ҳам жуда аянчи. Учинчи дунё мамлакатлари, асосан Ироқдан келган 70га яқин қочоқ мана тўрт кундирки, ўзлари эгаллаб олган черковдан чиққани йўқ. Улар Франция ҳукуматидан Кале атрофида бироз муддат колиш ва Буюк Британияга ўтиб кетишга рухсат беришни талаб этмоқда. Қочоқларнинг фикрича, уларга Франциядан кўра Буюк Британияда тезроқ сиёсий бошпана беришади. Қолаверса, у ёқда қариндошлар ҳам йўқ эмас.

Черковни эгаллаб олганлар Сангатт номли қочоқлар марказига боришини ҳам мұқобил талаб сифатида илгари суришмоқда. Қизил Хоч ташкилоти қарамоғига олинган Сангатт ҳар бир бошпана изловчи сиёсий қочоқ учун энг яхши жойдир.

Хозир шаҳар маъмуряти ва Франция Ички ишлар вазирлиги ҳужум уюштириш ҳақида ўйлай бошлади. Эслатиб ўтамиш - олти йил аввали Париждаги ибодатхона шундай ишғол этилгач махсус ҳарбий қисм охири куч ишлатишга мажбур бўлганди. Каледаги воқеа ҳам ҳужум билан якунланадиганга ўхшайди.

## НОТИНЧ ОЛАМ

"Абу Сайёф" гурухига кирувчи террорчилар индонезиялик ва филиппинлик гаровга олинганлар учун 300.000 АҚШ доллари миқдорида товон талаб қилишди. Бу ҳақда Сулу провинцияси губернатори Юсол Жикири маълум қилди. У террорчиларнинг талблари бажарилмаслигини, чунки бу "Абу Сайёф" жангарилари яна бошқа одамларни ўғиралишига турткни бўлишини айтди. Гаровга олинганлардан уч индонезиялик июн ойида ва тўрт филиппинлик август ойида ўғирланган эди. Улар Холо оролида сакланишяпти.

"Новости" РАА мухбири хабар қилишича, Копенгаген суди сенанба куни Ахмед Закаевни хисда саклаш муддатини яна 14 кунга узайтириди. Россия Федерацияси Баш прокуратураси Дания Адлия вазирига топширган ҳужжатларга кўра А. Закаев қатор террорчилик ҳаракатларига бошчилик килганликда айланади.

Сенанба куни эрталаб Ливаннинг Жуни, Газира ва Триполи шаҳарларидаги учта йирик ресторон олдида кучли портлаш юз берди. Олинган маълумотларга қараганда, курбонлар йўқ. Аммо теварак-атрофдаги бино-

ларга жиддий зарар етди. Полициянинг маълумотига қараганда, ҳар бир портлашнинг кучи тахминан 0,5 кг тротилга teng бўлган.

Индонезия полицияси Балида портлашлар содир этиш бўйича асосий гумонланувчи Амрозининг икки қариндошини қидиряпти. Душанба куни полициячилар Амрозининг туғилиб ўсган қишлоғи Тенггулумда яширин аслаҳона топишди. Унда ўқ-дорилардан ташқари M-16 русумли бир неча милтиқ ҳам бор экан. Эсингизда бўлса, Индонезия курортида юз берган фожия 180га яқин кишини ҳаётдан олиб кетганди. Уларнинг аксариятини австралиялик сийёхлар ташкил этишар эди.

Колумбияда ҳукумат армияси билан тўқнашувлар чоғида ўнг радикал ҳарбийлашган гурухларнинг тўрт аъзоси ва етти нафар сўл исёнчи ҳалок бўлди.

Жанубий Сахалинскада хорижликлар ижарада турадиган хона-дондан кўлбola портловчи мослама топилди. Шунингдек, у ерда автоматнинг 19 дона патрони ҳам бор эди.

**Асллаҳона**

## «ГЛОК»

Илгари темир-терсак буомлар ишлаб чиқариш билан шугулланган фирма ҳаммани ҳайрон колдириб, 1983 йилда ўтказилган энг яхши армия тўппончалари танловида голиб чиқди. Кейинроқ «Глок-17» тўппончаси ўқотар қуроллар бозорида катта мавқени эгаллади. Унинг стволи ва затвор ра-маси металлдан ясалган. Шунинг учун бу тўппонча рентген назорати чоғида билинмаслиги, террорчининг севимли қуроли эканлиги ҳақидаги барча матбуот хабарлари ўйдирмадан бошқа нарса эмас. «Глок» 33 қисмдан иборат. Унинг ствол кутиси ўта мустахкам полимер материалдан ишланган. Тўппонча автоматик сақлагич (предохранитель)га эга бўлиб, у тепкининг кегайи устида жойлашган.

"Глок"нинг нафақат армия ва полиция бўлинмалари, балки фуқаролар ўртасида ҳам бозори чақон.

Ушибу қуролнинг 10 мм калибрли "Глок-20", 45 мм калибрли "Глок-21", шунингдек 40 мм калибрли, "Смит - Вессон" патронларига мўлжалланган "Глок-23" каби модификациялари ҳам бор. Тўппончадан фойдаланиш осон.

"Глок" конструкциясида композитлар ва пластмассадан ҳам фойдаланилган. Тасодифий

отилиб кетишнинг олдини олиш учун у автоматик сақлагичдан ташқари учта ички блокировка механизмилиги ҳам эга. Айнан ўта ишончлилиги учун бу қурол жуда харидоргир.



Аляскада фьорд  
Тарнэген деган  
чиройли гүша бор.  
1988 иили эр-хотин  
Диксонлар сув  
пасайган пайт  
машинада бу ерлар-  
ни кезиб чиқмоқчи  
бўлишди. Машина  
денгиз қирғоги  
яқинида кумга  
ботиб қолди. Адре-  
янна Диксон нима  
гаплигини билиш  
учун автомобилдан  
тушиши билан  
тиззасигача ерга  
кириб кетди. Эри  
уни кутқариб олиш  
учун бир неча соат  
уринди. Аммо

ҳамма ҳаракатлари  
бехуда кетди. Кум  
худди цементга  
ўхшаб аёлнинг  
оёкларини сикиб  
қолганди. Диксон  
охири кутқарувчи-  
ларни чақиришга  
мажбур бўлди.  
Аммо вақт ўтган –  
денгиз суви кўтари-  
ла бошлаган эди.  
Шўрлик аёлни  
кутқариб олишга  
улгуришмади, у  
чўкиб кетди.

Юҳо қумлар билан  
боғлиқ кўплаб кўрқинч-  
ли афсона ва ривоят-  
лар, ҳақоний ҳикоялар  
мавжуд. Уларнинг акса-  
рияти кўчма қумларни  
табиатини тўғри  
тасвирланган. 2000 йилда  
АҚШ Миллий жуғро-  
фия жамияти кўчма қум-  
лар ҳақида фильм сурат-  
га олди. Одамларга даҳ-

# ВОХ ҚУМЛИКДАР



шат солиш ҳусусиятига  
кўра бу картина Гөлли-  
вид фильмларини эслатади.  
Уни кўргач, ҳатто  
барча қулайликларга  
эга, хавфсизлик чоралари  
кўрилган замонавий  
кумли пляжга ҳам яқин  
йўлагингиз келмайди.

Англиядаги бундай  
кумликларнинг кўпчилиги  
XIX асрда ёқ кўмиб  
ташланиб йўқ қилинган  
эди. Ҳозирги пайтда  
мамлакатнинг аҳоли зич  
яшайдиган туманларида  
кўчма қумлар қолмаган.

Олимлар бу хавфли  
ҳодисанинг табиатини  
охиригача тушуниб ет-  
гандарни йўқ. Баъзи мута-  
хассисларнинг фикри-  
ча, ютиш қобилияти кум  
заррачаларининг ўзига  
хос ҳусусияти билан  
боғлиқдир. Россиялик  
физик Виталий Фролов  
илгари сурган фаразга  
кўра, қумларнинг ҳаракатланиш механизми  
электр ҳодисалари  
оқибатидир. Натижада  
кум заррачалари ўрта-  
сида ишқаланиш камай-

иб, улар окувчан бўлиб  
қолади. Агар бу ҳусусият  
кумнинг бир неча метр чукурлигигача  
етса, у юзасидаги ҳар  
қандай жисмни "ютиб"  
юбориши мумкин.

Америкалик геолог  
Жорж Кларк бу ҳодисани  
узоқ йиллар ўрганди.  
У кўчма кум тез-тез сув  
босадиган ёки тагидан  
ер ости дарёлари ўтадиган  
жойларда пайдо бўлади,  
деган хulosага келган. Одатда кўчма  
кумлар тепаликларда  
жойлашади. Жойлардаги  
ер ости дарёлар тез-  
тез ўз йўналишини  
ўзгартириб, суви гоҳ  
кўтарилиб, гоҳ пасайиб  
турди. Сув оқими кўтарилигандан  
бу ташқаридан умуман сезилмайди,  
аммо ер юзаси жуда  
хавфли бўлиб қолади.  
Масалан, 1999 иили Англияниң Арнсайд номли  
худудида бу кузатилган эди. Ўшанда кум тўрт  
яшар болакайни ота-  
нонаси кўз олдиди бели-  
гача ютиб юборганди.

Хайриятки, кутқарувчи-  
лар ўз вақтида етиб ке-  
лишди ва фожианинг  
олди олинди. Арнсайд  
Моркембе кўрфази  
яқинида жойлашган. Бу  
ерда сув пасайган пайт  
11 чақиримга чекинади  
ва кумли юза очилиб  
қолади. Бир қарашда  
каттиқдек кўринган бу  
кумликларга оёқ кўйи-  
шингиз билан тиззан-  
гизгача ботиб-кетасиз.  
Сўнг кумлик оёқни си-  
қиб қолади. Бирорнинг  
ёрдамисиз чиқиб кети-  
шингиз мушкул бўлади.

Денгизчилар орасида  
Атлантика океанидаги  
Канада қирғоқларидан  
180 чақирим узокликда  
жойлашган Сейбл оро-  
ли ҳам хосиятсизлиги  
билан "машхур" дир.  
Унинг атрофида чўгири-  
тошлар кўп бўлганлиги  
сабабли айrim денгиз  
кемалари ҳалокатга уч-  
раб, тўлқинлар уларни  
орол қирғоқларига улок-  
тириб ташлаган. Орадан  
бер неча ой ўтгач, қирғоқдаги қумлар кема  
қолдикларини ўз қаъри-  
га ютиб юборган. Бундай  
хатарли кумликлар,  
айниқса, Аляскада кўп.  
Уларнинг энг узуни 150  
чақиримга чўзилган.

Дунёдаги энг катта ва  
куруп саҳро ҳисобланган  
Сахрои Кабирда ҳам  
юҳо қумликлар бор. Баъ-  
зан унинг кенгликлари-  
да бутун бошли карвон-  
лар ҳам иззиз йўқолади.  
Кўчманчи туарег қаби-  
ласи вакиллари тунда

ер остидан юракни пора  
қилувчи оҳ-нолалар  
эшитилишини ҳикоя  
қилиб беришади. Улар  
бу маккор саҳро ютиб  
юборган одамларнинг  
руҳлари чеккан оҳ-фи-  
лонлар деб ишонишади.  
Яқинда россиялик олим-  
лар Ернинг сунъий  
йўлдошидан олинган  
сайёрамиз сатҳи фотосу-  
ратларига қараб бир  
нарсани кашф этишиди.  
Маълум бўлишича, саҳро  
тагидан курдатли ер  
ости дарёси оқиб ўтар-  
кан. Эҳтимол, ана шу  
сувлар айrim жойлар-  
нинг кўчма қумликларга  
айланишига сабаб  
бўлар.

Одамхўр қумликлар-  
нинг жами қанча киши-  
нинг умрига зомин  
бўлганлигини ҳатто таҳ-  
минан ҳам айтиш қийин.  
Уларнинг сони неча ўн  
мингдан ошса керак.  
Биргина 1692 йилда  
Ямайкада кўчма қумлар  
Порт-Роял шахрининг  
бутун бошли туманини  
ютиб юборди. Ўшанда  
икки мингдан зиёд  
киши нобуд бўлган эди.  
Порт-Роял жуда бой  
порт шаҳар эди. 1674  
иили Англия кироли  
Чарльз II машхур қароқ-  
чи Генри Морганини  
шаҳар ҳокими этиб олиши  
мумкин. Кескин ҳаракатлар  
қилиш ярамайди. Энг яхшиси,  
бундай жойларни чет-  
лаб ўтган маъқул, ал-  
батта.

Одамхўр қумликлар-  
нинг жами қанча киши-  
нинг умрига зомин  
бўлганлигини ҳатто таҳ-  
минан ҳам айтиш қийин.  
Уларнинг сони неча ўн  
мингдан ошса керак.  
Биргина 1692 йилда  
Ямайкада кўчма қумлар  
Порт-Роял шахрининг  
бутун бошли туманини  
ютиб юборди. Ўшанда  
икки мингдан зиёд  
киши нобуд бўлган эди.  
Порт-Роял жуда бой  
порт шаҳар эди. 1674  
иили Англия кироли  
Чарльз II машхур қароқ-  
чи Генри Морганини  
шаҳар ҳокими этиб олиши  
мумкин. Кескин ҳаракатлар  
қилиш ярамайди. Энг яхшиси,  
бундай жойларни чет-  
лаб ўтган маъқул, ал-  
батта.

Хориж матбуоти  
материаллари асосида  
тайёрланди.

## Ер куррасидаги сирли жониворлар

### ҲИНДЛАР ДАҲШАТДА

Ҳиндистоннинг шимолий  
Уттар-Прадеш вилояти аҳолиси  
уларга ўшак жиҳатидан ҳашарот-  
ни эслатувчи улкан ваҳши  
хужум қилганини айтишмоқда.  
Вилоят қишлоқларида одамлар  
саросимага тушниши. Улар  
ҳокимлик вакилларидан ҳимоя  
килишни талаб этиб, полиция  
участкаларини қуршаб ола  
бошладилар. Оммавий тартиб-  
сизликлар натижасида икки  
киши полиция томонидан отиб  
ташланди, 12 киши ярадор  
қилинди. Маълумотлар мамлакат  
сийёй доираларига ҳам этиб  
борди. Ҳиндистон парламенти  
рўй берган воеа мухокамасига  
икки соат вақтини сарфлади.  
Одамлар даҳшатли ҳашарот  
тунда, улар ухлаб ётган пайтда  
хужум қилганини маълум  
килиши. Ваҳши ўз қурбонлари  
танасида чукур жароҳатлар  
қолдириган.

Ҳарши бирор чора топишни  
илтимос қилиб мурожаат қилган.

Уттар-Прадеш вилоятидаги  
саросима эса давом этмоқда. Бу  
ерда яшовчилар эшик ва дераза-  
ларни очишига кўршишмоқда. Ўз-  
ўзини ҳимоя қилиш учун кўнгил-  
лилар отрядлари тузилган  
бўлиб, улар кўчаларда соқчилик  
қилишмоқда.

### ВЬЕТНАМДА ШОХЛИ ИЛОН

Бу кашфиёт қишлоқ дориҳо-  
насида қилинди. Илон Квонг-  
Гоин вилоятидаги ўтиб бўлmas  
чанглазор ёнида яшовчи  
маҳаллий табиб тайёрлаган  
дорилар орасидаги спирт  
сўлинган банкада сақланган. Бу  
дори билан айrim касаллар  
даволанган. Илоннинг шохлари  
бўлиб, териси ғалати тангача-  
лар билан қопланган, ҳар бир  
тангачасида учтадан тикан бор.

Германияда бу топилмани  
халқаро экспертлар гуруҳи  
қўриқдан ўтказди. Шунда  
номаълум жонивор  
илон, деган  
хulosага  
келилар.  
Унга

Triceratopidohis  
sieversorum  
деган илмий  
ном берилди. Бу  
ном "тангаларида  
учтадан тикан  
бор илон" деган



## ЖОНИВОРЛАРИНГ ЯНА БИР ҚОТИЛИ

Чорва молларининг шикаст-  
лангани ҳақидаги шов-шувлар  
тевараги-  
даги

гаплар  
энди  
пасайган  
бир пайтда  
кимдир  
ҳайвонларни  
ўлдириша

давом эттираётгани ҳақида янги  
далиллар пайдо бўлди. Аргенти-  
надаги Ла Тигра шахридан унча  
узоқ бўлмаган жойдаги ферма  
засининг ҳикоя қилишича,  
ферма тепасида қарғага ўхшаш  
улкан күшни кўрган. Шундан  
кейин у яйловда 11 ойлик  
ўлдирилган бузокни топган.  
Унинг тили, кўзлари ва бошқа  
органлари йўқ эди. Бундай  
ҳодисалар авваллари ҳам рўй  
берган ва Перу, Чили ҳамда  
Мексика аҳолисига даҳшат  
солганди. Бундай ҳоллар  
Россияда ҳам учраётгани ҳақида  
текширилмаган хабарлар  
мавжуд.



## АРАЛАШ-КУРАЛАШ

шига ҳам боғлиқ. Бу ақли  
жонивор ўтлаганида ўз ах-  
лати атрофида ўсган ўт-  
ўланларни емас экан. Авст-  
ралияда яйловлар тозалиги-  
ни саклаш мақсадида... си-  
гирларнинг орқасига халта  
осиб кўйишаркан.

Ер юзидағи табиатнинг  
нодир мўъжизаларидан  
бири Тринидад оролидаги  
асфальт кўлидир. Кўлнинг  
тубида юриш мумкин. Ҳат-  
то бу ердан қазиб олинадиган  
асфальтни ташиш учун  
тор темир йўл ҳам ётқизил-  
ган.

Тартиб сакловчилар на-  
мойиш ва митингларда иш-  
тирок этгандар сонини қан-  
дай қилиб аниқлашади, деб

хисобланаркан. Чунки аёл  
киши эркақдан юқорида  
бўлмаслиги керак экан.

Негрларда эгизаклар оқ-  
танлилардагига қараганда  
икки баробар кўпроқ туғи-  
ларкан. Японларда эса бу  
ноёб ҳодиса экан. Бирва-  
ракайига учта чақалоқ ту-  
ғилиши ҳақида-ку гапир-  
маса ҳам бўлади.

Кўпчилик шудринг эрта  
тонгда тушади деб ўлаша-  
ди. Уни шунинг учун ҳатто  
тонгти шудринг ҳам деб ата-  
шади. Ваҳоланки, иккинчи  
номи – "шабнам" сўзидан  
ҳам кўриниб турибдики, у  
оқшомда тушади. Эрталаб  
эса бугланиб, яна осмонга  
кўтарилиб кетади.

Ҳиндустаннинг шимолий  
Уттар-Прадеш вилояти аҳолиси  
уларга ўшак жиҳатидан ҳашарот-  
ни эслатувчи улкан ваҳши  
хужум қилганини айтишмоқда.  
Вилоят қишлоқларида одамлар  
саросимага тушниши. Улар  
ҳокимлик вакилларидан ҳимоя  
килишни талаб этиб, полиция  
участкаларини қуршаб ола  
бошладилар. Оммавий тартиб-  
сизликлар натижасида икки  
киши полиция томонидан отиб  
ташланди, 12 киши ярадор  
қилинди. Маълумотлар мамлакат  
сийёй доираларига ҳам этиб  
борди. Ҳиндистон парламенти  
рўй берган воеа мухокамасига  
икки соат вақтини сарфлади.  
Одамлар даҳшатли ҳашарот  
ни бошлаб юборган экан. Улар футболчининг ўй режасини ўрганиб чиқиб, ўғирлангандан кейин ухлатиб қўйиш учун ишлатиладиган моддаларни ҳам топиб қўйган. Айни пайтда Бекхэм хонадони каттиқ қўриқланадиган қасрга айланиб қолган. Ҳусусий қўриқлаш фирмаси мутахассиси

**Футбол бўйича Ирландия терма жамоаси ни жаҳон чемпионатининг нимчорак финалига олиб чиқсан таникли бош мураббий Майк Маккарти истеъфога чиқарилди.**

Ирландия футбол ўюшмаси мамлакат терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги иштирокидан қониқини учун бош мураббий билан шартнома муддатини 2004 йилнинг февралигача узайтирган эди. Лекин Ирландиянинг яна иккى йилдан сўнг

ўтказиладиган Евropa чемпионатига йўлланма берадиган саралаш гуруҳидаги дастлабки икки мағлубияти М.Маккарти нинг терма жамоадаги фаолиятига чек қўйди. Ирландияликлар аввалига сафарда Россия терма жамоасидан, кейин эса ўз майдонида жаҳон футболидаги етакчи бўлмаган маълакатлардан бири – Швейцариядан мағлуби-


тига учради. Аксарият муҳлислу муҳассислар бу муваффақиятсизликларни терма жамоа собиқ сардори Рой Киннинг ўқлиги билан боғланмоқда. Дунёнинг энг кучли жамоаларидан хисобланган «Манчестер юнайтед»да тўп суроғидан Рой Кин Ирландия терма жамоасининг «мотори» хисобланарди. Лекин уни жаҳон чемпионати арафасида бош



лари эса футболчининг Хертфордшир графлигидаги ўйи хавфсизлигини таъминлаш воситаларини ўрганиб чиқди. Ҳатто, Дэвиднинг Чешир графлигидаги фермаси ҳам жиддий қўриқланмоқда.

мураббий жамоадан ҳайдаб юборди.

Бунга терма жамоанинг Испаниядаги ўқув машгулоти йигинлари чоғида Майк Маккарти ва Рой Кин ораси бузилганинг қайсараглиги билан ном чиқарган футболчи машгулот учун яратилган шароитдан қониқмётганини айтиб, ҳамманинг олдида устозини ҳақоратлади. Футболчининг ана шу килиғидан кейин мураббий уни жамоадан ҳайдади. Аччиқланган Рой Кин энди хеч қачон термада ўйнамаслигини билдириди.



ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

"Интернэшонал". Байтуллох. Анд. Драма. Негр. Тоабад. Лаззат. Ҳаваскор. Андерсен. Гримм. Аvezov. Ева. Ари. Мард. Адрас. Арс. Рам. Жамни. Арча. Тамга. Лирика. Раиса. Тилла. Рекорд. Кетмон. Рафиқа. Туркманистан. Тикка. Кит. Рак. Рота. Ор. Верн. Адмирал. Мола. Эстафета. Оккүргон. Умр. Ном. Ванилин. Үрарту. Пи. Ел. Нун. Катоприка. Санна. Авогадро. Ар. Тоза. Омон. Зеби. Аминов. Үта. Хитой. Коинот. Лактоза. Ота. Мен. Ноила. Неон. Үнг. Оби. Тери. Соат.

**Статистика. Синф. Кашта. Тафсимот. Филатов. Фосфорит. Толстой. Квебек. Да. Оташ. Савагич. Баҳор. Алиф. Нарва. Ой. Осака. Ал. Лола. "АН". Ва. Чакана. Баҳо. Карат. Ҳаёт. Курара. Икар. Равиш. Шасси. Санд. Ёғ. Чорток. Кар. Ит. Чирк. Иона. Торт. Куб. Ана. Лат. Ля. Ер. Квант. Кана "ЯК". Руанда. Она. Алгебра. Анаконда.**

**Калит сўз: ФИДОКОРЛИКНИНГ МАҲСУЛИ – БАХТДИР.**

## «Милиция оқсоқоллари» танловига

# Ehtirom

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

1985 йил август ойи оқшомларидан бири. Газли шаҳарчасида юз берган зилзила оқибатларини бартараф этиш учун етиб келган курувчилар, газчилар ва нефтичилар чўлнинг жазира маисигида қилинган оғир меҳнатдан сўнг налишмоқда. Фақатгина зилзиладан зарар кўрган аҳоли ва бошқа жойлардан ёрдамга келган ҳашарчилар осоишишалиги ни таъминлаш, уларнинг мол-мulkини қўриклишга масъул бўлган милиция ходимлари ҳушер. Азон чори шаҳар милиция бўлинмаси навбатчилик қисми телефони бехосдан қаттиқ жиринглади. Кўнгли аллақандай ноҳушликни сезган навбатчи ёрдамчиси, милиция старшинаси Собир Ҳамроев гўшакни кўтарди:

– Алло, бу милициями? Тошкент кўчаси 16-йда қотиллик содир этилди. Тезда етиб келинглар! – хавотир аралаш гапидар биор.

Собир ака гўшакни илиб, тонг саҳарда бўлиб ўтган воқеа тўғрисида бўлинма бошлиғига ахборот берди.

Сўнг тезкор гуруҳ таркибида ўзи ҳам жиноятни очиш мақсадида йўлга отланди... Олиб борилган қидирив ишлари икки кечакундуза ўз нати-

жасини берди. Муқаддам уч марта судланган, иш жойининг тайини йўқ Виктор Носов бу жиноятни амалга оширган бўлиб чиқди. Воқеа жойидан олинган ашёвий далиллар, гувоҳларнинг берган кўрсатмалари тўла тасди-

та сўзлаб берган. Баъзан ҳалқ осоишишалиги учун баҳшланган. У санитария милициясида, рухсат берни тизимида, соқчиллик булинмасида хизмат қилди. Бу йилларнинг ҳар куни, бир умрага татигулик! Зоро, умринг мазмуни ҳам ана шу кунлар, ана шу дақиқалар билан белгиланиши аник!

Ети баллдан зиёд ер ости силкинишлари шаҳарчани яксон қилди. Лекин ҳаёт давом этаверди... Ёрдамга етиб келган ҳашарчилар, тиббийт, милиция ходимлари ўз ишинин чин юракдан бажара бошлади. Зилзиладан зарар кўрган оиласларга кийим-кечак, тиббий, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Бир неча соат ичидан шаҳарча яна Республика измалларини табиий газ, нефть конденсати маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашни давом эттириди. Шаҳарчада тинчлик, осоишишалик ҳукм суро бошлади. Бу тинчликка албатта, Собир ака Ҳамроев сингари ўз ишининг фидойиси бўлган инсонларнинг жасоратли меҳнатлари туфайли

# СУЛОЛА

гини топди. Бу разил жиноят – яъни 4 яшар Н.нинг номусиға тегиши ва ўлдириб кетилиши Газлини ларзага солди. Ашаддий жиноятчи Собир ака Ҳамроев ва унинг сафдоши Бақо Файзиевларнинг ҳушёрликлари туфайли қисқа фурсатда қўлга олинган эди...

Бундай ҳодисалар милиция аълочиси Собир Ҳамроев ҳаётида кўплаб учрайди. Бу воқеаларни у фарзандлари, шогирларига кўп мар-



эришилган эди. Тинчлик бор жойда эса фаровонлик ҳукм суроши бегумон!

Собир ака фарзандларини ҳам ўз қасбига қизиқтира олди. Турмуш ўртоги Сабоҳат опа Абдуллаева билан уларни на мунали тарбиялаб, яхши инсонлар бўлиб стишишларига қўмак берди. Собир аканинг тўртала фарзанди ҳам бугунги кунда милиция сафларида хизмат қилишти. Қизлари Мехринисо ўзлари яшаб турган Ромитан тумани ички ишлар

бўлими паспорт хизмати катта инспектори, милиция катталейтенанти. Ўғилари – Бобур Республика Ички ишлар вазирлигига ШТБИХ катта инспектори, милиция капитани, унинг турмуш ўртоги Муяссар Матчонова Тошкент шаҳар ИИБДа катта ҳуқуқшунос-маслаҳатчи, милиция майори. Ботир – Бухоро тармоқ ички ишлар бўлими ходими, милиция сержантни, Зокир эса Ички ишлар вазирлиги Ёнгин ҳавфисизлиги олий техник мактаби иккича курс тингловчиси.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсан, Собир ака ўзларини ҳалқ осоишишалигига бахшида этган Ҳамроевлар суполасини бошлаб бердилар. Инсон умри сарҳисоб этилганда, унинг жамиятга, ҳалқа кетлирган фойдаси, савоб ишлари билан фахрланиши наисб этса қандай баҳт.

Собир ака ҳалқ осоишишалиги йўлида ҳалол хизматлари учун Ички ишлар вазирлиги томонидан “Милиция аълочиси” кўкрак нишони, кўплаб Мақтоб ёрликлари ва пул мукофотлари билан тақдирланган...

Бугунги кунга келиб Ҳамроевлар суполаси милиция сафларида муносиб фаолият кўрсатиб келяпти. Собир ака эса шу суполанинг етакчиси бўлганидан жуда мамнун. Зоро, ўз меҳнатининг маҳсулни, роҳатини қўриш, ундан завқ олиш ҳаммамизга наисб этсин!

**Б. ХАЛИЛОВ,**  
Ромитан тумани ИИБ  
бошлиги ўринбосари,  
милиция майори.

Бир воқеа Тоҳир аканинг худди кечагидек ёдиди. Калинин тумани (ҳозирги Зангигита тумани) ИИБ навбатчилик қисмига “Култепа” кўрғони яқинида автоҳалокат рўй бергани ҳақида хабар келди. Номаълум ҳайдовчи бир кимсанни машинада уриб юбориб, қочиб кетган, йўловчи оламдан ўтган эди. Ҳодиса рўй берган жойга зудлик билан тезкор гуруҳ этиб борди. Унинг сафиди туман йўл назорати автоинспекцияси бошлиғи Тоҳир ака Маҳкамов ҳам бор эди. Ҳаммаёқни қор қоплаган. Гуруҳ аъзолари теварак-атрофни синчилаб кўздан кечириди. Аммо қорда қолган фиддирак изларидан бошқа бирорта ашёвий далил топилмади. Шу атрофда яшовчи одамлардан сўраб-сүришириш ҳам ҳеч қандай наф бермади. Милиция ходимлари “энди нима қилдик” дегандек Тоҳир акага қарашди.

– Қордаги издан ўнг ва чап фиддираклар оралигини ўлчаб, машина русумини аниқлаш мумкин, – деди Тоҳир ака бир оз ўйга толгач.

Шундай қилишди. Гуруҳ аъзолари издан ўлчов олиб, машиналарнига солиштириб кўра бошладилар. Шунда икки фиддирак орасидаги масофа “Москвич”никига тўғри келди. Энди машинани излаб топиш вазифаси турарди. Шу жойдан тахминан бир километр нарида Қозогистон ҳудуди бошларди. Из ўша ёққа кетган эди. Тоҳир ака бир ходими билан чегара яқинидаги йўл ҳаракати назорати масканига бориб, машиналар рўйхатини кўздан кечирди. Шу куни қўшни республикага фақат битта “Мос-

# ҚАЛБ ГАВҲАРИ

квич” ўтганлиги аён бўлди. Йўл назорати ходимлари Қоплонбек кўрғонига бориб қочоқ ҳайдовчи шу ҳудудда яшовчи чўпон Н. Алимат эканлигини аниқлаши. У энди олди пачоқланган “Москвич”ни устага кўрсатиб, уни созлаш ҳақида маслаҳатлашашётган экан. Н. Алиматнинг содир этган қилмишини бўйнига олишдан бошқа чорашиби қолмади.

Ўшанда Тоҳир аканинг билимдонлиги туфайли ушбу жиноят қисқа вақт – бир кечанинг ўзида очилган эди. Экспертиза қилиш техникаси ҳозиргидек ривожланмаган бир пайтда ана шундай топқирилик, айтиш мумкини ижодкорлик ҳаводек зарур эди. Бундай фазилатлар катта бир туман йўл ҳаракати назоратини бошқараётган ёш раҳбарда мужассам эканлиги кўп марта кўл келган.

Тоҳир ака Маҳкамов ички ишлар соҳасидаги фаолиятини 1964 йили Пискент тумани ИИБ йўл назорати автоинспекторлигидан бошлади. Бир йилдан сўнг уни Бўка туманига ўтказиши. Ушбу ҳудудда транспортлар ҳаракатини тартибга солиши ва ҳайдовчилар ўртасидан йўл интизомини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатгани учун катта йўл назорати автоинспектори этиб тайинлаши.

Тошкентда рўй берган кучли зилзила ҳамюртларимизнинг ёдидан кўтаришларни йўқ. Шу оғир дамларда қардош

республикалардан ёрдам қўлини чўзганлар кўп бўлди. Шу боис пойтахтда вайрон бўлган жойларни тиклаш, бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Бу эса табиийки қурилиш материаллари ташиётган машиналар сони кескин кўпайишига олиб келди. Автотранспортлар оқимини тартибга солиш мақсадида Тошкент вилояти ИИБ раҳбариятининг қарорига биноан туманлардаги автоинспекторлар бир ойдан пойтахтга ёрдамга жалб этилди. Тоҳир ака автоҳалокатлар нисбатан кўп рўй бераётган “Сирғали-Қўйлик” магистраль йўлига маъсуз этиб тайинланди.

Изланувчан автоинспектор ишни юзага келган вазиятни таҳлил этишдан бошлади. Шунда йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши кўпроқ ҳарбий ҳайдовчилар томонидан содир этилаётгани, улар автоинспекторларга бўйсунмаётгани ойдинлаши. Ҳўш, нима қилмоқ керак? “Қаловини топсанг қор ёнали”, дейишади. Тоҳир ака муаммонинг ечимини ҳарбий автомобиль назорати ёрдамида топишга қарор қилди. У Тошкент шаҳар ҳарбий автомобиль назорати бошлиғига учрашиби, ахволни тушунтириди ва:

– Оддимизга қўйилган вазифани фақат сизлар билан ҳамкорликда улдалашимиз мумкин, ёрдамнинг керак, – деди.

Шундан сўнг Тоҳир аканинг ихтиёрига беш нафар ҳарбий

йўл автоинспектори ва “ГАЗ-69” машинаси берилди. У ҳарбий кийимдаги йигитларни турли йўналишларга қўйиб, ўзи машинада назорат олиб бора бошлади. Қўриб турибизки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай магистраль йўлда автоҳалокатлар сони камайди. Бу билан обрў-этибор топган Тоҳир ака Маҳкамов Калинин (ҳозирги Зангигита) тумани ИИБ катта йўл назорати автоинспектори этиб тайинланди. Орадан бир йилга яқин вақт ўтгач эса вилоятда ташкил этилган иккита бўлимдан бири – Калинин тумани йўл ҳаракати назорати, инспекциясига раҳбарлик қила бошлади.

– У пайтлар пойтахтимизнинг асосий қисми шу туманга қарашли эди, – деди Тоҳир ака ўша дамларни эслаб. – Хизматни такомиллаштириш ва ходимларга иш шароити яратиш учун анча саъй-ҳаракатлар қилдик. Назарбек давлат ҳўжалигига, шундоқнина ҳалқа йўл ёқасига замонавий автомобиль назорати маскани қурилгач, маъмуряят шу бинога кўчди. Ушбу қулийлик туфайли ишларни юритиш, кўча ва йўлларда назорат олиб бориш анча осонлашиди.

Вақт ўтиши билан Тоҳир акадаги раҳбарлик иқтидори қадрланиб, у Тошкент тумани ИИБ бошлиғи, сўнгра Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи иштиёрига қўйилган вазифанига оғир мумкин эмас.

Йинланди. Собиқ Иттифоқ ИИВ Академиясининг катта бошлиқлар факультетини тамомлаб келгандан кейин эса Тошкент вилояти ИИБ бўлим бошлиғи, Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи лавозимларида ишлади. 1997 йил Тошкент вилояти ИИБ қўриклиш бошқармаси бошлиғи, кейинроқ ИИВ ҳузуридаги “Қўриклиш” Республика бирлашмаси бошлиғининг ШТБИХ бўйича ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди. Айни пайтда пенсияда бўлишига қарамай ҳамон тиниб-тинчмаяти.

Дикқатга молик томони, Тоҳир ака меҳнат қилган қайси жамоада бўлиб, сафдошлари, шогирдлари билан суҳбатлашмангу киши доимо қатъиятлилиги, одамгарчилиги билан ажралиб тургани, қалби пок, самимий, ҳалол одам эканлиги, қўл остидаги “одамларга қайшиш” келганини тилга олишади. Ўзини эл, юрт осоишишалиги учун баҳшида этган инсон учун бундан ортиқ мақтоворлар бўлиши мумкин эмас.

**Сайдулла ШОДИЕВ.**



## УДУМГА АМАЛ ҚИЛИБ

**Пойтахт аҳолиси ва меҳмонларга беминнат хизмат** кўрсатувчи метро бекатларида осоийштилик, йўловчи-лар хавфисизлигини саклаш асосан Тошкент метрополитенини кўриқлаш ИИБ шахсий таркиби зиммасида. Буни чукур хис қилган ходимларимиз ўз вазифаларини сид-қидилдан адо этмоқдалар.

Улар ҳамиша интизомли, хушумомала, ўз касбини хурматловчи ва унга содик бўлиши шарт. Буни яхши англаган шахсий таркиб аъзолари юриш-туриш, одоб-интизом ва касбга садоқатли бўлишда бошқаларга ўрнак кўрсатишга интилмоқдалар.

Касб кунида ички ишлар хизматида узоқ йиллар меҳнат қилган ёлғиз ва бемор фаҳрийларимизни йўқлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиб, моддий ва маънавий ёрдам бериш, бир пиёла чойга таклиф қилиш одат ту-сига кирган. Албатта, бу удумга амал қилган ҳолда касб дошларимиз, ўзининг 25 йиллигини нишонлаётган метрополитен хизмати ходимларини ҳам Касб байрами билан самимий кутлаймиз.

Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон бўлаверсин!

**А. ОТАХОНОВ,**  
милиция майори.

**Ички хизмат**  
**сержант Абдушукур**  
**Тиллаев тугилиб**  
**ўсган хонадонда йил**  
**бўйи анвойи гуллар**  
**ўсиб, кийгос очилиб**  
**турди. Гул ўстириш,**  
**парваришилашни ота-**  
**онасидан ўрганган**  
**Абдушукур гулга**  
**мехр қўйди.**  
**У пойтахтдаги**  
**14-харбийлаштирил-**  
**ган ёнгин хавфисизли-**  
**ги хизматида инспек-**  
**тор бўлиб ишлади.**  
**Ишдан бўш вақтини**  
**ховлидаги ранго-**  
**ранг гуллар бағрида**  
**утказади.**

— Гулни инсонларга қиёс этаман, — дейди А. Тиллаев. — Соғлом ўсган, яхши тарбия топган киши жамиятимиз фаҳрига айланади. Гулни ҳам кўнгилдагидек парваришиласангиз хонадонга чирой, қалбингизга қувонч бағишлади. Соғ ниятли кишиларнинг хонадонлари доимо гулга тўлишини тилайман.

Суратда: А. Тиллаев ўзи парваришилаган гуллар бағрида.



Ихлос

## ХОНДОНИНГИЗ ГУЛГА ТЎЛСИН

## САҲНАДА ШУНЧАЛАР МАШАҚҚАТЛИ БЎЛСА...

Болалигимизда шўхлик қилсак “милиционерга бериб юбораман”, деб кўрқтишарди. Шунданми, мактабни тугатиб, талаба бўлгунимча, милиция кийимидағи кишини кўрсам ҳадиксирдим. Кейинчалик бир-икки иш юзасидан ички ишлар идоралари-га мурожаат этишимга тўғри келди. Уларнинг муносабатини кўриб, фикрим ўзгарди. Актёрлик касбини эгаллаганимда эса милиция ходими ролини ижро этишни орзу қилдим. Ички ишлар хизмати фаолияти акс этган кино ва театрларни қизиқиб тóмода қилардим. Нихоят, театrimизда драматург X. Мухаммаднинг “Жиноят устида

ушлансин” деб номланган асари саҳналаштирилди. Менга жиноят қидирив хизматининг тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Ботир Шукров ролини топширишди. Ролни ижро этар эканман милиция хизматининг нақадар мешаққатли эканни хис этдим. Менку саҳнада, спектакль давомида шунчалар қийналдим, ҳаётда, кундалик хизмат давомида турли жиноятчиларга дуч келадиган ички ишлар ходимларининг матонатига қойил қолмасдан илож йўқ. Ҳозир таникли киносанъаткор Мурод Ражабов томонидан ишланаётган “Магистратура” фильмида милиция тергов-



чиси ролида суратга тушяпман.

Бир сўз билан айтганда, мешаққатли хизматлар эвазига юртимиз тинчлиги ва осоийштилигини саклаб, жиноятчилик, хукуқбузарликларнинг олдини олиб, уларга қарши курашаётган ички ишлар ходимлари соғ ва омон бўлишсин.

**Толиб МўМИНОВ,**  
Ўзбек Миллий академик  
драма театри актёри.

## «ПОЛКОВНИК АЁЛНИ КЎРИБ ҲАЙРАТДА ҚОЛГАНМАН»

идораларининг барча соҳаларида хизмат қилишагапти.

Тошкент Олий милиция мактабини сиртдан имтиёзли тугатиб, Москвадаги собиқ иттифоқ ИИВ Академияси раҳбар кадрлар тайёрлаш факультетига ўқишга борганимда бу факультетга аёллар қабул қилинmasлиги, чунки улар бўлим бошлиги лавозимига тайинланмаслигини айтиб, ҳатто хужжатларимни ҳам қабул қилишмаган. Шунда мен Академиянинг адъюнктураси (аспирантурасига) кириб, илмий йўналиш би-

лангина чегараландим. Бошқарув йўналиши соҳасига оид диссертациямни ўша ерда ҳимоя қилдим.

Мен Москвада илк бор полковник аёлни кўрганимда ҳайратда қолганман. Мустақиллик туфайли ўзим ҳам шу даражага етдим. Ишонаманки, мустақил юртимиз хотин-қизлари, яъни шогирдларимиз келажакда бундан ҳам юкори унвонларга эришишади.

**С. АҲМЕДОВА,**  
ИИВ Академияси бўлим бошлиги,  
милиция полковниги.



Илгари ички ишлар идораларида аёлларни кам қабул қилишар эди. Вояга етмаганлар билан ишлаш, ҳисобот-таҳлил хизматларидагина форма кийган аёлларни учратиш мумкин эди. Ҳозир эса улар ички ишлар

## ХУҚУҚШУНОСЛАР ОИЛАСИ

**Маматқул аканинг болалиги Зомин туманинг сўлим**  
**гўшаларида ўтди. Ёшлиқдан суюги меҳнатда қотди. Мол**  
**бокди, ер чопди, отасига карашиди.**

Туз-насибаси пойтахт то-монларда ҳам сочилган экан. Тошдунинг хуқуқшунослик факультетини битирганидан бўён мана 21 йилдирки, аввал пойтахтнинг Мирзо Улуфбек тумани ИИБда, сўнг Тошкент вилояти ички ишлар идораларида хизматни давом эттириди.

Маматқул ака иш фаолиятини участка нозирлигидан бошлади. Маъмурӣ ҳудудида яхши кўрсаткичларга эришга-



хини ҳисобга олиб, уни катта участка нозирни этиб тайинлашди. Билғанларини қўл остида-ги ёш ходимларга ўргатди.

Раҳбарлар маматқул академияси синчковлик, мантиқий фикрлаш, топқирилик каби ху-сусиятлар кучлигини пай-қаб унга тергов хизматига ўтишни таклиф қилишди. Маматқул Исмоилов бу соҳада ҳам анча тажриба ортириди. Бугунга келиб бўлинма бошлиги, милиция подполковниги даражасига кўтарилди. Ҳозирда Тошкент вилояти ИИБ Тергов бошқармасида фаолият кўрсатяпти.

**Г. КАРИМОВА.**  
Суратда: М. Исмоилов  
оила аъзолари билан.

Хизмати давомида бирор

## Бир жиноят тафсилоти

Мустақиллик байрамига саноқли күнлар қолган. Ҳамма ёқда бўлгани сингари Бухоро шаҳрида ҳам тантаналарга қизғин тайёргарлик кетарди. Шаҳримиз иккита туманга бўлинган бўлиб, оммавий тадбирлар ўтказиладиган масканлар кўпроқ биз хизмат кўрсатадиган Файзулла Ҳўжаев туманида жойлашган. Шунинг учун ходимлари

Биринчи бўлиб вилоят телевидениеси, радиоси, газеталарида қайта-қайта қидирав ҳақида эълон бердик. Унда йўқолган машина ва эгасининг белгилари маълум қилинди. Кейин киракаш машиналар кўп тўпланадиган жойларда бўлиб суриштирув ишлари олиб борилди. Суриштирув ўз натижасини берди: йигит 26 августда сомон бозо-

эгасининг акаси деб таништиргани, нотариусга укаси билан келмоқчи эканлигини айтди.

Бориб кўрдик – машинада қон изи, қаттиқ олишув бўлганини кўрсатувчи аломатлар йўқ эди. Ҳойнаҳой, шўрлик йигитни бўғиб ўлдиришган бўлишса керак, деган тахминга келдик.

Савдолари пишгач машина сотувчилар пулни олиб, ўzlари

да 2-3 кун сувда ётгани аниқланди. Бу ўйлаганимиздек, изланеётган йигитнинг жасади бўлиб чиқди.

Машина ва унинг мархум эгаси топилди, энди қотилларни тутиб, тергов ва суд қўлига топшириш зарур эди. Қора "Тико" хайдовчиси айтган кўп қаватли уй жойлашган худудга хизмат кўрсатадиган профилактика инспекторининг айтиши-

на исм-шарифини, на яшаш манзилини айта олди.

– Ҳа, майли, шуни сига ҳам раҳмат, – дедим кетишга ҳозирланиб.

– Тўхтанг-тўхтанг, бир гапини эсладим, – деди аёл жонланниб. – Ҳалиги, нимайди. Ўша киши дам олиб, шифтга қараб ётганида: "Бир пайтлар шу хонадонни мен таъмиргланган эдим", – деб қолди.

бу кимсалар, гувоҳлар билан юзма-юз Қилганимиз сайн юввош тортиб бора-вериши. Охири уларнинг бири ортиқ чидай олмай:

– Бўлди, ўртоқ бошлиқ. Ҳаммасини айтиб бераман, – деди.

Воқеа бундай бўлган экан. Бухоронинг сомон бозорида бўлажак қотиллар хайдовчи билан йўл ҳақини келишиб кул-

# ТОШБАГИРЛАР


мизга вазифаларига янада масъулияти ёндошиши ҳар қадамда эслатиб юрган кезларимиз.

Навбатчи қўнғироқ қилиб, бир отахон 19 яшар невараси йўқолиб қолгани ҳақида ариза кўтариб келганини айтди. Олдинга бошлаб чиқинг, жиноят қидирав бўлими бошлигини ҳам чақиринг, дедим.

– Икки кун бўлди, – деди отахон бир менга, бир ўринбосаримга нажот истаб термилиб. – Кира қиласман, деб "Тико" машинасини миниб чиқиб кетувди.

Машина ва йигитнинг белгиларини аниқлаб олиб, отахонни уйига кузатиб кўйдигу, ўзимизнинг оромимиз йўқолди.

Хаёлимга: "Бу қотиллик. Машинани эгаллаш учун эгасини ўлдиришган", – деган мудҳиш фикр келди. Аммо терговчи ҳам, тезкор ходим ҳам фақат битта тахмин бўйича иш олиб бориши керак эмас. Агар у нотўри чиқса, вақтдан ютказилади. Айни пайтда, тахмин ҳаддан зиёд кўпайиб кетса ҳам дикқат бўлиниб самара бермай қолиши мумкин. Шунинг учун эҳтимоли кўпроқ бўлган яна икки тахмин бўйича ҳам ишлайдиган бўлдик. Тузилган тергов-тезкор гурухи дарҳол ишга кириши. Гуруҳ аъзоларига жабрдийдаларнинг ўрнига ўзларини қўйиб кўришлари, бутун зехн, қобилиятларини ишга солишлари, эринмасликлари ни тайинладим.



ри худудида машинасига икки нафар мижозни ўтқизиб Бухоро тумани томонга кетгани аниқланди. Аммо туманда олиб борилган қидирав ишлари дастлаб натижага беравермади.

Тезкор ходимларимиз ўзларини боши берк кўчага кириб қолгандай хис килиб турганларида бўлимга ғиждувонлик бир фуқаро кириб келди. У вилоят телевидениесида берилган эълонни кўрган экан.

– Ўша "Тико"ни мен 3 миллион сўмга сотиб олган эдим. Пулнинг бир қисмини бердим. Қолганини олди-сотди ҳужжатлари расмийлаштирилгач берадиган бўлувдим, – деди у.

Эгасидан сотиб олдингизми, деб сўраганимда у сотган киши ўзини машина

ёллаб келган, тепасига такси белгиси ўрнатилган қора "Тико"да кетишибди. Одатда қора рангли машина, хусусан, "Тико" кам учрайди. Тезда ўша машина эгасини топдик. Ҳайдовчи биз излаётган кимсаларни яхши эслади.

– Ҳа, кечак икки мижозни Ғиждувондан Бухорога олиб бордим, – тасдиқлади у.

Киракаш мижозларни қайси кўчадаги қайси кўп қаватли уйга олиб борганинча аник айтиб берди. Унга раҳмат айтиб, яна Бухорога йўл олдик. Бу орада шу куни, яъни 31 августда тезкор гурухнинг Бухоро туманида ишлаётган аъзолари Аму-Бухоро каналида шахси номаълум кишининг жасадини топиши. Мурда ками-

ча, хонадонлардан бирида истикомат қилувчи аёлнинг енгилтабиатлиги ҳақида гап-сўз юраркан. Эҳтимол, қўлига катта пул тушган қотиллар кўнгилхушлик қилиш ниятида шу хонадонга "мехмон" бўлишгандир деб ўйладик.

Аёл аввалига "Мен унақа йўлларга юмайман!" деб туриб олди. Биз гап қотиллик ҳақида бораётгани, ўша кимсалар 19 яшар бир йигитнинг умрига зомин бўлгани, марҳумнинг отонаси, буваси қон йиғлаб ўтиришганини ётифи билан тушунтиридик. Шунда аёл ер чизиб қолди, кейин ҳақиқатан ҳам ўша куни биз тасвирлаган кишилардан бир "мехмони" бўлганини тан олди. Аммо "мижози"нинг

– Нима, илгари хонадон бошқа бирорни имиди? – қизиқсиндим.

Аёл уйни қачон, кимдан сотиб олганини айтиб берди. Хонадоннинг илгаририг эгасини паспорт хизмати ходимлари кўмагида осонгина топдик.

– Ҳа, бундан учийлча бурун уйимни сотишдан олдин таъмирлатган эдим. Сабаби, нархи юқориго бўлади-да. Уста йигитни яхши танийман. Бухоро туманинг фалон хўжалигидан эди, – деди у.

Дарҳол тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, тезкор гурухни ўша манзилга жўнатдим. Ишнинг қолгани осон кўчди. Тез орада ҳар икки гумонланувчини кўлга олдик. Бошда айбидан тониб турган

ранг "Тико"га ўтиришади. Улар қабиҳ ниятларини қандай амалга оширишни олдиндан режалаштириб олишган эди. Машина шаҳардан чиқиб овлоқроқ жойга етганда қотиллардан бири секин белидаги қайишини ечиб ҳайдовчининг бўйнига солиб бўға бошлайди. Олдинги ўриндикда ўтиргани эса машинани тўхтатади. Ҳайдовчи ўлганига ишонч ҳосил қилишгач, мурдани канал бўйига олиб бориб: "Нима қиласман эсан кўмамизми ёки сувга ташлаб юборамизми?" деб "бошқотиришади". Уларнинг совукён, тошбағиригини қаранг!

Кейин кўмишга эриниб сувга ташлаб юборишиади. Қолган воқеалар сизга маълум.

Шу тариқа саноқли кунлар ичида бу мудҳиш қотиллик фош этилди. Уни очишида оммавий ахборот воситаларининг кўмаги катта бўлди. Албатта, то жиноятчилар топилгунча туман ИИБ тезкор ходимлари ором билишмади. Хуллас, кўпнинг ҳаракати, фуқаролари мизнинг яқиндан берган кўмаги туфайли жиноятни қисқа вақтда очик. Бу эса ҳамкорлик ўз самарасини беришини яна бир марта исботлади.

**Б. ДАВЛАТОВ,**  
Бухоро шаҳри Ф. Ҳўжаев  
тумани ИИБ бошлиги,  
милиция подполковники.

# ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Республикамизда ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш аньянага айланаб қолди. Бу мұхим тадбир күзнинг охри ва қишиш бошланиши даврида ташкил этилишининг ўзига хос сабаблари бор. Мәдениет, кунлар совиши билан фуқароларимиз иситиш мосламаларидан фойдалана бошлайдилар. Ташвишли томони шундаки носоз, ишлатишга яроқсиз газ ва электр иситиш асбобларини созламай, таъмирламай фойдаланиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бу ҳолатда эса ёнгин чиқиши аниқ.

Шу йилнинг 15 ноябрдан 15 декабргача мамлакаттимизда ўтказиладиган бу тадбирда мулкчилек шакидан қатын назар, корхоналар, муассасалар ва ташкылдар объектларини ҳамда уй-жой фондини ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириши, республиканинг тоифаланган ва ўта мұхим объектларда ёнгин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар мажмумини амалга ошириш шуар жумласидандир.

Илгари бўлганидек, бу йил ҳам тарғибот ишларини олиб бориш ва ёнгинларни олдини олишда яхши нағижалар кўрсатган шахар ва туманлар ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги бўлимлари, қисмлари ҳамда ёнгиннинг олдини олиш бўлинмалари, ёнгин хавфсизлигини таъминлашда намунали ишлар амалга оширилган масканлар, маҳалла, гузар ва мавзелар танлови ўтказилади. Голибларга Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнгин хавфсизлиги Баш бошқармаси томонидан қимматбахо совғалар ва пул мукофотлари берилади.

Ёнгиннинг олдини олиш савобли иш. Савобли ишни эса ҳамма қилиши керак. Шундай экан эртага бошланаидиган мұхим тадбирда фаол иштирок этайлик.

**A. ХУДОЙҚУЛОВ,**

ички хизмат катта лейтенанти.

## ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА БОШҚА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги моддий-техника таъминоти бошқармаси

2002 йил 8 ноябрдан 8 декабргача

### МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- **маҳсус буюртма учун ярим жун матолари;**
- **маҳсус буюртма учун кўйлак матолари;**
- **маҳсус буюртма учун плашч матолари;**
- **маҳсус буюртма учун резиналаштирилган матолар.**

Тендер қўйидаги кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

700070. Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча

Тел.: 8 10 998 (3712) 558173, 557672, 567217

Факс: 8 10 998 (3712) 567416

E-mail: umtvs@uzpak.uz

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ташкилий инспекторлик бошқармаси ходими, милиция майори Абдували Ҳошимовга отаси

Боҳид ҲОШИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби тергов бошқармасининг катта терговчиси, милиция подполковники

Бахтиёр НУРМАТОВнинг

бевакът вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

## 01 ҳабар беради

Ҳар йили ҳазонрез дамлар бошланиши билан ёнгин хавфсизлиги ходимларининг ташвиши ортади. Сабаби, содир бўлаётган ёнгинларнинг бир қисми айнан ҳазонларни ёқиб юбориш натижасида рўй беради. Масалан, пойтахтимизда йилнинг ўтган даврида 800 га яқин ёнгин ана шундай сабаб натижасида келиб чиқсанни фикримизнинг далилидир.

## ҲАЗОН ЁҚИШ КОНИ ЗАРАР

Хозир айни дараҳтлар барг тўкаётган пайт. Айрим кишилар ҳазонни йигиб ахлат ўра, яшикларга ташлашга эриниб ёқиб юбориши. Бог, хиёбон, кўчаларда болалар ўйнаб юришини ҳисобга олсан, бу жуда хавфли. Ҳар нарсаға қизикувчан ёш болалар ҳазон ёнаётган жойга бормайди, дейиш нотўғри. Ўтган йили республикамиз бўйича ўнга яқин кичконтай айнан ёниб турган ҳазонни титкилаш, бир-бирини оловга ита-

риб юбориш оқибатида кўниб, жароҳат олганини эслатиб ўтамиш. Яқинда пойтахтнинг бир қатор ҳудудларини айланаб юрганимизда ҳазонлар ёниб ётганинг гувоҳи бўлдик. Масалан, Ҳомидхонов кўчасида жойлашган Техника давлат университетининг 78-ёткочонаси олдида ҳазон ёниб, дарахтга ўтиб кетишига озигина колган. Жангоҳ мавзесидаги 1-уй олдида ҳазонлар ёкиб юбо-

рилган. Фурқат кўчасида-



ги 2-ий олдида эса ёниб ётган ҳазонлар олдида болалар ўйнаб юриди. Ибн Сино мавзееси 1-уй олдида эса бир гурӯҳ катта ёшдаги кишилар ёниб, тутаб атроға ачиқ тутун тарқатиётган алана олдида бемалол гаплашиб туришарди. Мисолларни яна келтириш мумкин. Шаҳардаги ахлат ва чиқиндиларни тозалаш билан шугулланадиган ташкилотлар жойларда ҳазонлар йигилиб қолмаслигини таъминлашлари керак.

Тиббиёт ходимлари ҳазон ёнишидан ҳосил бўлган тутун инсон организми учун зарарли эканини кўп таъкидлайдилар. Шундай экан кўча, боғ, хиёбонларда йигилиб қолган ҳазонларни ўз вақтида ахлатхоналарга элтиб ташлаш лозим.


**Ф. САҶДУЛЛАЕВА.  
Д. РОҲАТАЛИЕВ.**

## КРОССВОРД

Белгиланган хонадан рақам атроғига соат мили йўналишида: 1. Вакиллик органларининг кўпчилик овоз билан қўлган қарори. 2. Ҳомийлик, маълум бир ишда ёрдам бериш. 3. Юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган ҳўжалик, савдо ёки ишлаб чиқариши корхонаси. 4. Ўрнига ўрин тўланадиган ҳақ. 5. Олинганд фойдалан давлат ҳисобига ундириладиган маблаг. 6. Судда кўрилаётган иш тафсилотини аниқлашдаги савол-жавоб. 7. Тинтуб ўтказиш мумкинligига оид фармойиш. 8. Замонавий ўтра таълим ўқув юрти. 9. Яширин жинойи ташкилот. 10. Маълум бир масала бўйича қабул қилинган қатъий фикр. 11. Мирзо Улуфбекнинг устози, аллома. 12. Қадимги юон миаррихи Геродот меросига мансуб нодир асар. 13. Муқаддас азиз диёр. 14. Кўрилган иш бўйича суд ҳукми. 15. Расмий илтимоснома. 16. Бир тўда кишилар гурӯҳи. 17. Маҳсулотнинг чекланган миқдори. 18. Ҳўжалик соҳасида жорий этиладиган тартиб.

## ЧАЙНВОРД

19. Қадимги Рим сиёсий арбоби, нотик, ҳуқуқшунос. 20. Бирор давлатнинг ўзга мамлакатга ҳалқаро ҳаётдаги маълум масала юзасидан нуқтаи-назарини расмий маълум қилиши. 21. Кўрилган иш бўйича энг сўнгги натижа. 22. Битимларни тасдиқлаш, мерос ҳуқуқини расмийлаштириш, ҳужжатларни гувоҳлантириши амалга оширувчи орган. 23. Ҳалқаро битим асосида давлатлараро аҳоли алмаштириш. 24. Ўзгармай, бир маромда тўхтаб қолиши ҳолати. 25. Мажлис қарорларини қонуний деб ҳисоблаш учун унда қатнашиши шарт бўлган аъзолар сони. 26. Бирор шахснинг ваколатини, ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. 27. Буюртмаларни жойлаштиришнинг танлов шакли. 28. Раҳбарлик лавозими. 29. Ўз мақсади, маслаги йўлида қатъий бўлган инсон. 30. Бирор вазифани амалга оширишдаги чоралар мажмуи. 31. Элчидан кўйи даражадаги дипломатик вакил. 32. Мулоҳаза қилиб ўтирамай амалга ошириладиган фаолият. 33. Наркотик модда тури. 34. Юқори орган томонидан тайинланадиган мансабдор шахслар доираси. 35. Унвон, кичик дипломатик мартаба. 36. Инсоннинг камолот даври. 37. Амир Темур ҳикматидан: "... адолатдади". 38. Пул ҳужжати. 39. Кўриқлаб боруви соқчилар отряди. 40. Маълум ишни амалга ошириш қонун-қондадари баён этилган қўлланма.



## ЎТГАН СОНДАГИ БОШКОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 1. Магазин. 2. Қидиур. 3. Головко. 4. Ҳошимов. 5. Санкция. 6. Анискин. 7. Колония.

Диагонал бўйича: МИЛИЦИЯ.

OZBEKISTON  
RESPUBLIKASI IV  
BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir  
Shuhrat  
MURODOV

Bosh muharrir  
o'rinosari v.b.  
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib  
**R. BERDIYEV**  
Navbatchi:  
**S. SHAMSIDDINOV**  
Musahhihlar:  
**M. AKRAMOVA**  
**G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi:  
**Z. BOLTAYEV**

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinosari 139-75-69.  
Kotibiyat 139-73-88  
muxbirlar  
bo'limi 139-75-69.  
Buygalter 139-75-37.  
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalar bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91  
Tel.: 59-23-08

E-mail:  
[urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

Bizning hisob raqamlarimiz «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. Hisob raqami: 20210000700447980001, MFO 00421.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart · Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. · Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma Г — 943. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqt — 19.00.  
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 385

40 518 nusxada chop etildi.

«SHARQ»  
nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi  
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.